

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУЊИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МАЊАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

1. Алоҳида таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг **аралашувиغا йўл қўйилмайди**, шунингдек, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун **зарур шароит яратади**, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга **кўмаклашди**.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон faxрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва маҳаллалар фаолларининг ҳар бир маҳаллада **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** тамойилига асосланган қўйидаги йўналишларни назарда тутувчи **янги тизимни жорий этиш** тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин: жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маскладоши ва кўмақдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш; хотин-қизлар ижтимоий фаолигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтириш; жамият ва оилда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш; маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуқсиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таянч пункти профилатктика (катта) инспекторларининг (кейинги ўринларда — профилатктика инспектори) роли ва мавқеини янада ошириш, мустаклилиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш; соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнاتини муносиб рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилсин.

4. Қўйидагилар Вазирликнинг **асосий вазифа ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:
жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила — соғлом жамият” гоёсини ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидagi роли ва фаолигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳолга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиқи бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам қўратиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қилшоқ жойлардаги эш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича тақдифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини қучайтириш, аҳоли куднакли муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини оқсальтириш;

маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

ёлғиз кексалар, ижтимоий ғимомга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам қўратиш, нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини оқсальтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш;

фуқаролар йигинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлари амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда “Маҳалла” ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизида **“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти** ташкил этилсин ва Вазирлик тузилмасига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Қўйидагиларнинг:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги;

Ўзбекистон faxрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармасининг (кейинги ўринларда — “Нуроний” жамғармаси) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлинмаларини тугатиш ҳақидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

7. Усиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоий қадриятларни уларнинг онгига сингдириш ҳамда юксак маънавиятли ва садоқатли қилиб воёга етишларида кекса авлод вақилларининг ижтимоий фаолигини ошириш мақсадида Вазирлик “Нуроний” жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой мuddатда** амалга оширадиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг (кейинги ўринларда — вазиr), Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ҳамда вилоятлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси **Мудofаa вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши**, унинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий бўлинмалари раислари ҳисобланади.

8. Қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасига — вазиr билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган **Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари** — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларида — вазиr билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга таъинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган **ҳоким ўринбосари** — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозими киритилсин.

9. Қўйидагилар:
Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасидаги —

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасидаги — Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими; туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларидаги — ҳоким ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими **туғатилсин**.

10. Белгилаб қўйилсинки:
Вазирлик оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Вазирликнинг худудий бўлинмалари бошлиқлари **ҳар чоракда** тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради;

вазиr **ҳар йили** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялли мажлисида Вазирлик фаолияти юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ахборот беради;

Вазирлик хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади.

11. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (кейинги ўринларда — “Маҳалла” фонди), Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда “Нуроний” жамғармасининг:

“Маҳалла” фонди маблағлари ҳисобидан “Нуроний” жамғармаси фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашдан ташқари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига бир йилда бир марта тўланадиган лавозим маоши миқдоридаги моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш;

Вазирлик худудий бўлинмалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарларини — **Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари раислари** этиб белғилаш;

Вазирлик худудий бўлинмалари бошлиқларининг тегишли ўринбосарларини — **Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари раислари** этиб белғилаш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва кенг жамоатчиликнинг:

фуқаролар йигини раиси **беш йил мuddатта** сайланиш ҳақидаги;

маҳалла институтининг жамиятимиш ижтимоий-маънавий ҳаётида тугтан ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **22 март** санасини **“Маҳалла тизими ходимлари куни”** деб ўзини қилиш тўғрисидаги тақдифлари маъқуллансин.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилатктика инспекторларига юклатилган, **бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ва функциялар** 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ рўйхатлар бўйича қисқартирилсин.

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой мuddатда** мазкур банд ижроси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига асосий фаолият йўналишларидан ташқари функцияларни фақатгина давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

14. Вазирлик фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқланганлиги ҳақидаги талабга амалда сўзсиз ижро этилишини таъминласин.

Мазкур талабни бузганлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари масъул ва мансабдор шахсларини эғалаб турган **лавозимидан озод этишгача** бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича **ҳар чораклик асосда** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига тақдифлар киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида:

- а) қўйидаги **лавозимлар туғатилсин**: фуқаролар йигини раиси ўринбосари — ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи;
- фуқаролар йигини раиси ўринбосари — тадбиркорлик, томорқа ер эгалари фаолиятига кўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи;
- фуқаролар йигини раиси ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи;
- фуқаролар йигини раиси ўринбосари — кексалар ва faxрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи;
- б) қўйидаги **лавозимлар киритилсин**: фуқаролар йигини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари;

- фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари;
- фуқаролар йигини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари;
- оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис;
- фуқаролар йигини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси;
- фуқаролар йигини раисининг кексалар ва faxрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси;

- в) қўйидаги **жамоатчилик тузилмалари туғатилсин**: яраштириш комиссияси; мэриятф ва маънавият масалалари бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия; воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;
- тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;
- жамоатчилик назорати ва истезьмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия;
- “Маҳалла побосни” жамоатчилик тузилмаси;
- г) қўйидаги **комиссиялар ташкил қилинсин**: оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси; ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия.
- 16. Белгилансинки:
фуқаролар йигини раисининг **ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари** вазифасини бажариш профилатктика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилатктика инспектори зиммасига юклатилади;

ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда **камида бир нафардан** профилатктика инспектори хизматини олиб боради;

фуқаролар йигини раисининг **оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари** лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-

ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими ўрнига, оилалар сони 2 **000** ва undan ортик бўлган фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йигини раисининг **ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари** лавозими фуқаролар йигини масъул котиби лавозими ўрнига, ҳар бир фуқаролар йиғинида бир нафардан, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда жорий этилади;

фуқаролар йигини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва faxрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари **жамоатчилик асосида** фаолият юритади;

фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис фуқаролар йигини раиси тақдимига асосан фуқаролар йигини кенгаши томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқаролар йигини раиси — кексалар ва faxрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, **“Кексалар маслаҳати”** гуруҳининг;

фуқаролар йигини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи, **“Фидокор ёшлар”** жамоатчилик патруль гуруҳининг;

фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари — хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, **“Ота-оналар университети”** жамоатчилик тузилмасининг;

фуқаролар йигини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари — ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

18. Фуқаролар йигини раисига қўйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

тегишли худуддаги профилатктика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эғалаб турган **лавозимидан озод этишгача** бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига таъкил қилиши мажбурий бўлган **тақдимнома** киритиш;

уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишига бошқарувчи ташкиллот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида тақдиф қиритиш;

қўп квартиралы уйларино бошқариш билан боғлиқ масалаларда уй-жой мулкдорларининг розилиги асосида уларнинг номидан бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи ёки ширкат бошқаруви раиси билан ўзаро муносабатларга киришиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги лавозимларни ўзгартириш бўйича тақлифи маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари тегишича **Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бошқармалари бошлиқлари** лавозимига;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиқлари, ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари тегишича **туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси масалалари бўйича ўринбосарлари** лавозимларига.

20. Белгилансинки:

профилатктика инспекторлари **5 йил мuddатта** лавозимга тайинланади ҳамда уларни мазкур мuddат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланади (юқори турувчи раҳбарлик лавозимга ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қондаларини бузганлиги учун жазобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно);

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари, уларнинг таркибидagi бўлиmlари ва ички ишлар бўлиmlари (бўлинмалари) бошлиқлари устуворлик асосида профилатктика инспектори лавозимидa **камида 5 йил** ишлаган ходимлар орасидан тайинланади;

профилатктика инспекторлари лавозимларига, қоида тариксидa, **олий юридик маълумотга** эга бўлган шахслар тайинланади;

профилатктика инспекторини **лавозимга тайнлаш ва лавозимидан озод этиш** Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бошқармалари бошлиқларининг тақдимомаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади;

туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси масалалари бўйича ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари тавсиясига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

профилатктика инспекторларини **рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари томонидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

худудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг рағбатлантириш жамғармаларининг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари — ҳуқуқбузарлиқлар профилатктикаси бошқармалари томонидан қабул қиладиган қарорига асосан белгиланган тартибда сарфланади.

АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАДИ

Аввал хабар берилганидек, давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилигида республика ишчи гуруҳи тузилган эди.

Ижтимоий ҳимоя

Ҳўш, бугунги кунда мазкур ишчи гуруҳ томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ушбу саволга биргина Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани мисолини ҳудуддаги жавоб қидирасак.

Ишчи гуруҳ вакиллари уйма-уй юриб, 14 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 300 дан ортиқ кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва нотинч оилаларни ўрганди. Эҳтиёж-манд, оғир турмуш шaroитларида яшаётган хотин-қизлар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, уларни қўйиб қўйиб муаммолар аниқланди.

Кўни кеча Жиззах вилояти ҳокимлигида республика ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси йўллаган Муҳожабатнома-масида инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, аниқ вазибалар белгилаб берилгани кайд этилди.

Пахтакор туманидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий шaroитларини ўрганиш давомида ишчи гуруҳ вакиллари томонидан 380 дан зиёд муаммолар аниқланди. Уларнинг аксарияти уй-жой билан таъминлаш ёки мажбуриятларни тўлатиш ва моддий ёрдамга муҳтожлик ҳолатлари билан боғлиқ. Шунингдек, саломатлигини тиклаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратиш каби бошқа йўналишлар

ҳам бор. Ўрганишлар чоғида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан манзилли ва мuddатли "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Туманда истиқомат қилаётган, моддий ва маънавий қўмакка муҳтож 30 нафар хотин-қизга манзилли амалий ёрдам берилди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бор, боқувчисини йўқотган 15 нафар аёлга 34,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Олти нафар хотин-қизга замонавий тикув машиналари топширилди. Шунингдек, даволанишга муҳтож етти нафар хотин-қизга ўзи ва фарзандларининг саломатлигини тиклаш учун Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан санаторийларга бепул йўлланмалар берилиб, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ногиронлик аравачалари топширилди.

Манзилли қўмак олганлардан бири Шарифа Исмоиловадир. Унинг уй-жойи таъмирталаб аҳволда келиб қолган, боз устига, доимий даволанишга муҳтож фарзандининг парвариши ҳам ўз зиммасида. Унга амалий ёрдам кўрсатилиб, уй-жойи таъмирлаб бериладиган бўлди.

Зилола Темирова ҳам уй-жойи бўлмагани боис оиласи билан "Минчирор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги нотуражой биносига дабб келаятган эди. Ёлғиз фарзанди ногирон бўлган бу аёлнинг ишлашга ҳам имкони йўқ. Турмуш ўртоғи ишсиз. Оиланинг ягона даромади ногиронлиги бор фарзанди учун берилган нафақа пули эди. Ушбу оиланинг ижтимоий-иқтисодий оғир шaroитда яшаётганиги ҳисобга олиниб, уй-жой билан таъминлаш

масаласи ҳал этилишига қўмаклашилди. Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин. Мухими, давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори натижасида энг чекка ҳудудларда яшаётган хотин-қизларнинг турмуш шaroитлари яхшиланади, қўлаб оилаларнинг муаммолари ҳал бўлмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни пахтакорлик хотин-қизлар оилалари ҳам ўз турмушида ҳис қилмоқда, — дейди Бибимарям Абдураимова. — Бундан гойта дамнамунимиз. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадон-ма-хонадон юриб, аёлларни кўп йиллардан буён қўйиб қўйиб муаммоларга ечим топишга қўмаклашдилар. Мухими, аниқланган муаммолар қоғозда қолиб кетмади, аксинча, кўп масалаларга шу жойнинг ўзидаёқ тезкорлик билан ечим топилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, ўрганиш натижаларига кўра, туман масъулларига ҳудуддаги "Дилором" ва "Олтинкул" маҳалла фуқаролар йиғинларида 24 хонадонга мўлжалланган 2 та икки қаватли туражой биносини қуриш учун 6 миллиард сўмлик сертификат топширилди. Қолаверса, ер ости сизот сувларини тортиш тизимини яхшилаш мақсадида оптика канализация насос станцияси модернизациясига 3 миллиард, ёлғиз сув ҳавзасини капитал таъмирлаш учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилади бўлди.

Айни пайтда тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт объектилари, ижтимоий инфратузилма, коммуникация тармоқлари ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинди.

Республика ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева иш-тироқ этди ва сўзга чиқди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТИМИЗ — БИРИНЧИ ХАЛҚАРО АВИАЦИЯ ФОРУМИ МЕЗБОНИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" жамъуасида "Uzbekistan Airports, Aviation & Logistics Forum" (UAALF — 2020) биринчи халқаро авиация форуми бошланди. Мазкур йирик анжуман давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўзимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилди.

Ҳамкорлик

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов таъкидлаганидек, сайёҳлик соҳаси равиқида транспорт тизимини такомиллаштириш энг муҳим шартлардан бири бўлгани учун ҳам юртимизда авиация соҳасига катта эътибор қаратиляпти.

Бу борада, хусусан, давлат бошқаруви тизимини яхшилаш мақсадида транспорт вазирлиги ташкил этилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК таркибий жиҳатдан бир-биридан мустақил бўлган иккита — "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятларига ажратилди. Айни чоғда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 октябрында бошлаб "Қарши", "Нукус", "Термиз" ҳамда "Бухоро" халқаро аэропортларида "Очик осмон" режими жорий қилинди. Ҳозирги кунда мазкур аэропортларга парвозларни амалга оширишни ташкил этиш юзасидан қатор хорижий авиакомпаниялар билан музокаралар олиб бориюмоқда.

Хорижий авиакомпанияларни жалб қилиш доирасида сўнги уч йилда республикаимизга қатновларни амалга оширувчи чет эл авиакомпаниялари сони 15 тадан 23 га етди.

Утган давр мобайнида "ИраАэро", "FlyDubai", "Zagros Airlines" сингари авиакомпанияларнинг мамлакатимизга янги йўналиш-

ларда доимий қатновлари йўлга қўйилган бўлса, "Zhejiang Loong Airlines Co. Ltd." ва "Atlasglobal" авиакомпанияларининг чартер рейслари очилди.

Аэропортларнинг ҳолатини яхшилаш учун ҳам бир қатор йирик инфратузилма лойиҳаларини бажариш режалаштирилган. Хусусан, "Самарқанд" халқаро аэропортида янги йўловчи терминали ва учиш-қўниш йўлагини қуриш натижасида аэропортнинг ўтказувчанлик қобилияти соатига 500 нафар йўловчидан 1500 нафар йўловчига кўтарилди. Германиялик мутахассислар иштирокида "Тошкент" халқаро аэропортининг ўтказувчанлик ҳолатини оптималлаштириш ва реконструкция қилиш натижасида йўловчиларга хизмат кўрсатиш имконияти йилга 4 миллиондан 7 миллионга ортади. "Термиз" халқаро аэропортида янги учиш-қўниш йўлагини қуриш, "Андижон" халқаро аэропортини реконструкция қилиш натижасида барча турдаги ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Амалга оширилаётган қатновлар сони 2-3 баробар ортади.

Биринчи халқаро авиаторумнинг ўтказилиши мамлакатимизга етакчи хорижий авиакомпанияларни жалб этишга қўмаклашади. Мазкур тадбир, шунингдек, республика авиация транспортини соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятини батафсил хабардор қилишда катта аҳамият-

га эга. Айни чоғда мамлакатимиз ҳаво йўллари ва аэропортларининг инвестициявий ҳамда иқтисодий имкониятларини янада кенг очиб беради, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини самарали ривожлантиришга хизмат қилади. Унда хорижий давлатлар транспорт вазирилари раҳбарлари, фуқаро авиацияси ва аэропортлари бошқаруви, етакчи халқаро ва чет эл авиакомпаниялари мутасаддилари, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашмоқда.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Хиндистон, Бразилия, Туркия, Қувайт, Миср, Россия, Хитой, Жанубий Корея каби қўлаб давлатлардан 60 дан зиёд експонентлар, 300 делегат ва 1200 нафар мутахассис жалб этилгани бунинг тасдиғидир.

Форум Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, "Uzbekistan Airways" АК томонидан БААдан жалб этилган "Fair Exhibition Organizers"(FEO) компанияси билан ҳамкорликда ўтказилляпти. Икки кунлик тадбирга "Boeing" ва "Jetcraft" (АҚШ), "Air Charter Service" (Буюк Британия), "Bombardier Business jets" (Канада), "TLD" (Хиндистон), "Luftansa Consulting" (Германия), "EGIS" (Франция), "ATR" (Испания), "Kuwait Airways" (Қувайт), "Air Arabia" ва "BGT Events" (БАА), "Korean Air" ҳамда "Asiana Airlines" (Жанубий Корея), "Aeroflot" ва "Iraero" (Россия), "Pegasus Airlines" ва "Turkish Airlines" (Туркия) каби дунёнинг 180 га яқин компаниялари вакиллари ташриф буюрган.

Умуман олганда, ушбу тадбир ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун ўзига хос платформа вазирасини ўташи, шубҳасиз. Зеро, халқаро авиаторум кун тартибидан қўлаб оқори даражами учрашувлар, конференциялар, кўрғазма ҳамда қизиқарли тақдиротлар жой олган.

«Халқ сўзи».

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

КЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Педиатрия факультети бўйича:**
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: доцент.
 - 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: ассистент.
 - Болалик даври асаб касалликлари кафедраси: доцент, ассистент.
 - Неонатология кафедраси: доцент, стажер-ўқитувчи.
 - Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси: ассистент.
 - Клиник фармакология кафедраси: кафедра мудири.
- Хирургия факультети бўйича:**
- Офтальмология кафедраси: доцент.
 - Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси: стажер-ўқитувчи.
 - Хирургия-1 кафедраси: кафедра мудири, стажер-ўқитувчи.
 - Оториноларингология кафедраси: ассистент.
 - Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси: доцент.
 - Шошилич тиббий ёрдам кафедраси: стажер-ўқитувчи.
 - Ультратовуш диагностикаси кафедраси: ассистент.
 - Ультратовуш диагностикаси курси: ассистент.
 - Хирургик стоматология кафедраси: стажер-ўқитувчи.
 - Тиббий радиология кафедраси: ассистент.
- Менеджмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети бўйича:**
- Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедраси: катта ўқитувчи.
 - Ижтимоий тиббиёт кафедраси: кафедра мудири, доцент.
 - Патанатомия ва суд тиббий экспертизаси кафедраси: ассистент.
 - Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари кафедраси: ассистент.
- Терапия факультети бўйича:**
- Эндокринология кафедраси: доцент.
 - Фтизиатрия кафедраси: доцент, ассистент.
 - Дерматовенерология ва косметология кафедраси: ассистент.
 - Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси: ассистент.
 - Кардиология ва геронтология кафедраси: доцент.
- Тиббий профилактика факультети бўйича:**
- Орттирилган иммунитет танқислиги — инфекция муаммолари курси: ассистент.
 - Юкумли касалликлар кафедраси: доцент.
 - Болалар юкумли ва паразитар касалликлари кафедраси: ассистент.
 - Микробиология курси: доцент.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.
Телефон: 71-267-60-74.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КАФОЛАТ 12 ОУ УЗЛУКСИЗ ИШЛАШИГА, 5 ЙИЛ БЕПУЛ ХИЗМАТ

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!

100

дардан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси

Электр сандал «PGS-032» (тапча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.

Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдини оловчи таъсир кўрсатади.

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. **Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53.** www.pgs.uz

«МЎЪЖИЗА» ЎЧОФИ

3 кунда ўзини ўзи қоқлайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Бугун жуда ҳам ноёб «ПГС» электр ўчоғи ҳақида сўзлаб бермоқчимиз. У бор-йўғи 3 кунда ўз нархини қоқлайди. Ишонмайсизми? Лекин чиндан ҳам шундай! Мисол орқали исботлаймиз. 200 кишига палов тайёрлаш учун кўйидаги маҳсулотлар керак бўлади:

| | | | |
|--|--------------------------------------|--|-------------------------------------|
| | Гуруч 20 кг. x 16 000 = 320 000 сўм. | | Думба 4 кг. x 58 000 = 232 000 сўм. |
| | Сабзи 20 кг. x 4 000 = 80 000 сўм. | | Пиёз 3 кг. x 3 000 = 9 000 сўм. |
| | Гўшт 15 кг. x 65 000 = 975 000 сўм. | | Нўхат 1 кг. = 18 000 сўм. |
| | Ёғ 7 л. x 13 000 = 91 000 сўм. | | Зираворлар = 25 000 сўм. |

Шундай қилиб, 200 кишилик палов тайёрлаш харажатлари, ошпаз ҳақини қўшиб ҳисоблаганда, 2 100 000 сўмни ташкил этди. Уни пишириш учун эса нархи 2 737 000 сўм бўлган ПГС электр ўчоғи ва нархи 150 000 сўм бўлган 80 литрлик алюминий қозондан фойдаланамиз. Ош тайёрлашда ўчоқ 12 кВт\соат электр энергияси сарфлайди, буни 2 соатга кўпайтирамиз = 24 кВт\соат бўлади ва яна хар бир киловатти учун 500 сўмдан ҳисоблаймиз, натижа — 12 000 сўм. Ана шу 12 000 сўмни 200 кишилик палов пишириш учун бир кунда кетадиган харажатларга қўшамиз: 2 112 000 сўм.

Энди бир порция тайёр палов нархини камида 16 000 сўм деб олсак, 200 порцияси 3 200 000 сўмга тўғри келади. Ана шу миқдордан 2 112 000 сўмлик харажатларни айирамиз. Фойда — 1 088 000 сўм.

Ишлатилган жиҳозлар нархи: электр ўчоқ 2 737 000 сўм + қозон 150 000 сўм = 2 887 000 сўм эди. Шу рақамни бир кунлик фойда миқдори — 1 088 000 сўмга бўлсак, қарабсизки, 2,6 кун ҳосил бўлди. Бу дегани, сотиб олинган жиҳозлар 3 кундаёқ ўз нархини тўлиқ қоқлайди!

Бу хали ҳаммаси эмас! Сизга ўтин-кўмир сақлайдиган алоҳида жойининг кераги йўқ. Кийимининг ҳам тоза. Иситкичлар сополдан бўлгани учун ёнгин хавфсизлиги жиҳатидан беҳавотир. Энг муҳими, экологик қоқдалар бузилмайди. Негаки, ўтин ва кўмир ёққанда ҳосил бўладиган калориянинг фақат 45 фоизи овқат тайёрлашга кетиши, қолган 55 фоизи эса атмосферага тарқалиб, кислотаронни камайитириши ва «парник муҳитини» келтириш чикариши илмий жиҳатдан исботланган.

Тел.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва кўйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат мuddати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгартиш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.** Махсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Гайрат Хабибуллаевич Исраилова онаси **ДИЛБАҲРОН** аянини вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-65.
E-mail: reklama@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетани ҳақида маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва малафига қайтарилмайди.

Газетанинг маълум берилиши учун обунани расмийлаштириган таъкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.15 Топширилди — 04.05 1 2 3 4 5 6